



УДК: 37.013.46

Наргиза ТОШБОЕВА,
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
Email: n.toshboyeva@list.ru

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори Д. Маҳмудова тақризи асосида

DEVELOPMENT OF CREATIVE WAYS WITH THE HELP OF GEOMETRIC PROBLEMS

Abstract

The search for mathematics is happening due to the rapid change in periods today, computer technology and technologies. It is known from world experience that non-standard issues of creative ability to provide students, specific problematic issues develop more. The issue of selecting and nurturing scientific personnel has been widely discussed in our country, other countries, including developed countries. The development of scientific works has been implemented by people with creative abilities in all spheres of science, so it is necessary to pay attention to the further development of their creative abilities in teaching such tortoises in higher education institutions.

Key words: creativity, creative ability, issue, independent creative activity.

РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБОВ С ПОМОЩЬЮ ГЕОМЕТРИЧЕСКИХ ЗАДАЧ

Аннотация

Поиск математики происходит из-за быстрого изменения в периоды сегодня, компьютерные технологии и технологии. Из мира известно, что нестандартные проблемы творческой способности предоставлять студентам, конкретные проблемные проблемы развиваются больше. Вопрос о выборе и воспитании научных кадров был широко обсужден в нашей стране, в других странах, включая развитых стран. Развитие научных работ осуществлялось людьми с творческими способностями во всех сферах науки, поэтому необходимо обратить внимание на дальнейшее развитие их творческих способностей в обучении таких черепах в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: творчество, творческая способность, проблема, независимая творческая деятельность.

ГЕОМЕТРИК МАСАЛАЛАР ЁРДАМИДА ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация

Математикани ўқитишнинг кийинчилиги, бугунги кунда давр тезкорлиги, ҳисоблаш техникаси ва технологияларининг тез ўзгариши туфайли содир бўлмоқда. Жаҳон тажрибасидан маълумки, талабаларнинг ижодий қобилиятини ностандарт саволлар, ўзига хос муаммоли масалалар кўпроқ ривожлантиради. Илмий кадрларни танлаш ва уларни тарбиялаш масаласи барча замоналарда юртимизда, бошқа мамлакатлар, шу жумладан ривожланган давлатларда ҳам кенг муҳокама қилиниб келинган. Илмий ишлар тараққиётини илмнинг барча соҳаларида ижодий қобилиятга эга бўлган одамлар амалга ошириб келган, шунинг учун олий ўқув юртиларида бундай талабаларни ўқитишда уларнинг ижодий қобилиятларини янада ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим.

Калит сўзлар: ижод, ижодий қобилият, масала, мустақил ижодий фаолият.

Кириш (Introduction). Ҳаммага маълумки, бугунги кунда мутахассиснинг технологик тайёргарлигидан ташқари, шахснинг мустақиллиги, муҳим ечимлар қабул қила олиши, ҳар бир ишга ижодий ёндашиши, доимий ўқий-ўргана олиши, киришувчанлиги, ҳамкорлик қила олиши ва касбий жавобгарликни ҳис қила олиши каби қатор фазилятларга эга бўлиши муҳим ўрин тутмоқда. Барча босқичларда таълимнинг шахсга йўналтирилишигина, юқорида санаб ўтилган фазилятларни бўлғуси мутахассисларда шакллантириш имконини беради. Шахснинг касбий мувофиқлашган фазилятлари уни ҳаёти давомида илм олишини таъминлайди. Шахсга йўналтирилган таълим инсонни ўз-ўзини касбий имкониятини амалга оширишини ва уни кейинчалик ижодий ривожини қўллаб қувватлашини таъминлайди. Шундай қилиб, таълим олдида қўйилган вазифа инсонни тўлақонли фуқаро бўлишини таъминловчи ҳар томонлама илм беришдангина иборат эмас, балки унда ўраб турган табиатни ижодий тасаввур қилиш имконини берувчи мустақил фикрлашни ҳам ривожлантириши зарур. Ҳозирда замонавий давлат маданияти ва ҳўжалигида илмнинг ниҳоятда катта аҳамияти борлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам,

биз юқорида айтиб ўтган фазилятларга эга бўлган ёш олимларни ўқитиш ва тарбиялаш катта аҳамиятга эга бўлган масалалардан биридир.

- Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). В.П.Дьяконов ўз ишида янги билимларни ўзи мустақил ўзлаштиришга тайёр бўлмаган талаба профессионал фаолиятга тайёргарлигини ривожлантира олмаслигига тўхталган. Қандай қилиб талабаларни олий ўқув юртида бу жараёнга тайёрлаш йўллари ўрганилган. Бунинг учун талабани юқори даражадаги билим, кўникма ва малакага эга қилибгина қолмасдан, балки ўзини-ўзи такомиллаштириб борадиган ва ўзи мустақил таълим олишга тайёр ижодий фикрловчи шахс, мутахассисни шакллантириш зарурлиги айтиб ўтилган [1;255]. Д.М.Маҳмудованинг мақоласида Россия олий таълими реформаси, янги таълим стандартига ўтиш, уларда битирувчиларга қўйилаётган талаблар ҳақида мулоҳаза юритилган. Шулар ичида талабаларнинг кейинги ишларида муваффақиятли фаолият юритиши учун база ҳисобланган умуммаданий ва профессионал компетентлик қабилар мавжуд [2;349]. Мерлина Н.И. ўзининг [3; 223-224] мақоласида ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш муаммолари бугунги кунда

ўта долзарб эканлигига тўхталиб, бундай ёшларга жамият талаби тобора ошиб бораётганлигини ўрганади. Billings Lora ўзининг “Succeeding in undergraduate student research: A few helpful hints for advisors” [5;798] мақоласида талабаларни кичик курсларда илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш муаммоларини муҳокама қилади.

- **Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Ижод, ижодийлик, бунёдкорлик, яратувчанлик, руҳий жараён бўлиб, у аввало ўқувчи-талабаларнинг фикрлаши, дунёқараши, мустақил фаолият кўрсатиши, хотираси, диққати, иродаси билан чамбарчас боғланган. Шарқнинг буюк мутафаккирлари ижодий тафаккурга юқори баҳо берганлар. Қомусий олим Ал-Фаробий ижодийликка шундай таъриф беради – “...шундай улуғ фазилатки, инсон уни эгаллаши учун бошқа ҳамма фазилатларини ишга солиши керак”. Олимлар ижодийликка турлича муносабатда бўладилар. Айримлар ижодий кашфиётларни мантиқ ва интеллект билан боғлиқ истеъдод деб тушунса, айримлар мантиқ ва интеллектга алоқаси бўлмаган нарса деб тушунади. Академик И.П.Павлов ижодийликни физиологик жараён деб тушунади. Унинг фикрича, ижод дастлаб инсон тасаввурида туғилади, кейин унга тааллуқли масалалар изланишлар олиб борилади, бошқалар бажарган ишлар танқидий кўриб чиқилади, таҳлил этилади, кузатилади ҳамда ундан мантикий хулосалар чиқарилади. Изланиш муайян натижа бергандан кейин у ҳақиқий ижодкорликка айланади. Ижодий фаолият талабаларнинг ички руҳий кечинмаси-илҳомланиши, хурсандчилик ва аччиқланиш ҳислари, қўйилган муаммони ҳал этиш истаклари орқали олиб борилади. Ижодий қобилиятлар амалда ҳосил бўлган мавжуд билимлар тизимидан четга чиқишга, ҳодисаларга одатдагидан ташқари янгича нуқтаи-назардан ёндашиш, қарама-қаршиликларни тушунишга ва уларни ҳал этиш усулларини излаб топишга имкон беради. Ижодий қобилиятларни шахсдан бутунлай ажратиб бўлмайди, улар билиш, қизиқиш, интилиш ва ишонч, ҳиссиёт ва ирода, қўйилган мақсадга интилиш, талабчанлик, меҳнатсеварлик каби ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Ўқув жараёнида талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш муаммоси мураккаб ва кўп қирралидир. Ижодий қобилиятларни ўстиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар бошқа қобилиятлар сингари фаолият даврида ривожланади [6;626].

- **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Бугун бозор муносабатларининг тез ривожланиши муносабати билан ҳар бир одамга ўз ҳаётида нафақат иш жойини, балки мутахассислиги ҳамда касбини ҳам тез-тез ўзгартиришга тўғри келмоқда. Бошқача қилиб айтганда, мутахассис касбий ўзгарувчанлик имкониятига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш технологияларининг ривожланиши билан бўлган касбий талабларнинг сезиларли ўзгаришига олиб келди. Касбий билим, малака ва қўникма билан бир қаторда мустақиллик каби касбий маҳорат зарур бўлиб қолди. Ҳозирда ишчилар кенг касбий маҳоратга эга бўлишлари талаб этилмоқда [9; 234]. Тушунарлики, ушбу ўзгаришлар таълимдаги ўзгаришларга ўзининг кучли таъсирини ўтказмоқда ва касбий ҳаракатчан, юқори даражада моҳир ўрнашувчан мутахассис тайёрлашга қаратилган бўлиши талаб этилмоқда.


Илмий иш билан шуғулланиш инсоннинг шундай фаолияти турига кирадикки, у билан фақат ижодий қобилиятга эга бўлганларгина шуғуллана олиши ва натижага эришиши мумкин. Санъат, адабиёт, мусиқа соҳасида ижодий қобилиятга эга бўлган, жуда кам сондаги одамларгина муваффақиятли ишлаши мумкинлиги ҳаммага маълум. Худди шундай бу илмий

ишга ҳам тааллуқли, бу ерда ҳам фақат ижодий қобилиятга эга бўлган одамларгина муваффақиятли ишлашлари мумкин. Шундай қилиб, илмий ишларни ривожлантириш учун ҳам, худди санъатдагидек ижодий қобилиятли инсонларни танлаб олиш зарур. Тушунарлики, бу ерда танлов санъатдаги нисбатан кийинроқ амалга оширилади, чунки санъатда алоҳида ташкилий ишларсиз ҳаётнинг ўзи аниқлаши мумкин, масалан, ёзувчининг ёмон асарини шунчаки ўқишмай қўя қолади, ёмон ашулачи ёки созандани эшитишмайди ва ҳоказо. Илм соҳаларида инсоннинг ижодий муваффақиятларини баҳолаш кийинроқ амалга оширилади, ваҳоланки бу ҳам одамлар томонидан амалга оширилади, фақат жуда кам сондаги, бу соҳада етарли даражада тажрибага эга бўлган бир гуруҳ олимлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Ходимларни ижодий қобилиятига қараб танлаш илмий ишни ташкил этишнинг энг оғир ташкилий ишларидан бири ҳисобланади[7;25с.].

Илмнинг ихтиёрий соҳасида илмий ишлар муваффақияти ижодий қобилиятга эга бўлган одамлар томонидан амалга оширилади ва бундай одамлар ниҳоятда кам. Бундай одамлар кам экан, демак, улардан унумли фойдаланиш имконини берувчи шароитлар яратилиши зарур. Бунинг учун, биринчидан, қобилиятли одамларни илмий ишларга тортувчи шароит ярата билиш, иккинчидан уларни қобилияти характериға қараб танлов ташкил этиш, учинчидан ижодий қобилиятли ёшларни тарбияловчи ва уларнинг табиат томонидан берилган қобилиятлари тўлақонли ривожланишини таъминловчи махсус шароитлар яратилиши зарур. Бу масала бизда қуйидагича амалга оширилмоқда: ўқувчи ўрта мактаб(9-синф)ни тугатиши билан, бундай қобилиятли-иктидорли ёшлар қобилият турларига қараб турли академик лицейларга юборилади. Лекин, бу масаланинг тўлиқ ечими эмас, гап шундаки, ҳамма академик лицейларда ҳам профессор-ўқитувчилар таркиби ёшларни ижодий қобилиятларини керакли йўналишда ривожлантиришга тайёр эмас. Бундай имкониятга жуда кам сондаги академик лицейларгина эга. Шунинг учун академик лицейларда ёшларнинг ижодий тарбиясига ташқаридан турибгина таъсир қилиш имкони бор. Ҳозирча академик лицейлар талабалари учун олимпиадалар ташкил этиш таъсир қилишнинг энг яхши усуллардан бири бўлиб келмоқда. Бу математика ва физикадан масалалар ечиш бўйича ўзига хос мусобақа бўлиб, талабаларда қизиқиш уйғотувчи асбоблар тайёрлаш, астрономик кузатишлар, математик ўйинлар, компьютерда дастурлаш кабиларни ҳам ўз ичига олади. Бундай олимпиадалар бир гуруҳ илмий ходимлар ҳамда тегишли вазирликлар мутахассислари томонидан ташкил этилади. Бундай олимпиадалар ижодий қобилиятли ёшларни ажратиш имкониятини беришдан ташқари, уларни ёшлигидан илмий изланишларга, илмий муаммоларга қизиқишларини уйғотиш имконини беради. Бизда бундай олимпиадалар кенг тарқалган ва ривожланган, улар жуда юқори савияда ўтказилади[6;15 б.].

Ҳаммага маълумки, самарали илмий иш олиб боришда билим ва тушунишнинг ўзи камлик қилади, бунда энг асосийси мустақил аналитик ҳамда ижодий фикрлаш бўлиб, ёшларни тарбиялашда шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Математика, механика, физика каби бошқа аниқ фанларни ўқитишда масала ечиш катта аҳамиятга эга. Масала ечиш нафақат талабага ўзининг билимини синаб кўриш имкониятини беради, балки ўқитувчига ҳам талаба мавзунини қандай ўзлаштирганлиги тўғрисида аниқ маълумот олиш имкониятини берадиган самарали усуллардан биридир. Ундан ташқари, айтиб ўтилганидек, масала ечиш

ёшларнинг мустақил ижодий, илмий фикрлаш қобилиятини аниқлаш ва тарбиялаш имконини ҳам беради. Математика аниқ фанлар соҳасида болаларнинг бошланғич ижодий фаолиятини ёшлиқдан тарбиялаш имконини берувчи фан ҳисобланади. Тушунарлики, ҳамма



масалалар ҳам талабада бундай қобилиятларни аниқлаш, ривожлантириш имконини беравермайди. Шунинг учун бундай масалаларнинг характери ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, одатдаги машқлар тўпламларидаги масалалар, ҳар доим ҳам мустақил фикрлашни тарбияладиган характерга эга эмас. Одатда бундай масалаларни ечиш берилганларни формулага қўйиш ва натижани олиш билан тугайди. Бу ерда талабанинг мустақиллиги берилганларни қўйиш учун зарур бўлган формулани тўғри танлашдан иборат[8; 215–220с.].

Биз ана шундай ижодий қобилиятни шакллантируви геометрик масалалардан бирига тўхталиб ўтамиз.

Масала. Ихтиёрий учбурчакда

$$\frac{a+b-c}{2} < m_c < \frac{a+b}{2}$$

тенгсизлик ўринли эканлигини исботланг, бу ерда a, b, c лар мос равишда ABC учбурчакнинг A бурчак, B бурчак, C бурчак қаршисидаги томонлари (узунликлари), m_c эса c – томонга туширилган медиана (узунлиги).

Ечилиши. Айтайлик c_1 учбурчак AB томонининг ўртаси бўлсин. У ҳолда учбурчак тенгсизлигига кўра $CC_1 + C_1A > CA$ ва $BC_1 + C_1C > BC$. Шунинг учун тенгсизликларни мос қисмини қўшиб $2CC_1 + BA > CA + BC$ тенгсизликни оламиз ва бундан $2CC_1 > CA + BC - BA$, демак $m_c = CC_1 > \frac{a+b-c}{2}$. Тенгсизликни чап қисми исботланди.

Айтайлик C' нукта C_1 нисбатан C га симметрик нукта бўлсин. У ҳолда $CC_1 = C_1C'$ ва $BC' = CA$. Шунинг учун $2m_c = CC_1 < CB + BC' = CB + CA$, ва демак

$$m_c < \frac{a+b}{2}$$

Тенгламани ўнг қисми исботланди. Шундай қилиб, берилган қўш тенгсизлик тўла исботланди.

- Хулоса (Conclusion). Юқорида келтирилган мисол шуни кўсатадики, у ёки бу муаммоли ҳолатни юзага келтириш олдида, талабалардаги маълумотлар базасини аниқлаб олиш ва янгисини маълум қилиш учун ўқитувчининг махсус тайёргарлик босқичи зарур. Бу тайёргарлик ёки муаммоли ҳолат, масалан, муаммоли саволларга жавоблар орқали ёки ўқитувчи томонидан маълум қилинган ва талабалар томонидан ўзлаштириб олинган билим тарзида амалга оширилади. Шу муносабат билан, маълумоти ҳисобга олиши зарур бўлган психологик аспектни айтиб ўтамиз. Талабаларнинг мустақил билим олиш фаолияти улар қандайдир интеллектуал қийинчиликка учраганларидагина фаоллашади, лекин, бу қийинчиликнинг ечими уларнинг интеллектуал имкониятлари доирасида жойлашган бўлмоғи керак.

Албатта талабаларнинг ижодий қобилиятини бир ёки бир нечта дарсада ривожлантириб бўлмайди. Бу масалага доимий ва тизимли алоҳида эътибор зарур. Айтиб ўтилганидек талабаларнинг ижодий қобилиятини ностандарт саволлар, ўзига хос муаммоли масалалар кўпроқ ривожлантиради. Бундай савол ва масалаларни тузиш даврида профессор ўқитувчилар ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишлари зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Дьяконов В.П. MATLAB 6/6.1/6.5+Simulink 4/5. Основы применения. Полное руководство пользователя. -М.: Солон, 2002. 768с
2. Махмудова Д.М. Математика машғулотида талабалар ижодий фаолиятини ривожлантирувчи намунавий масалалар// ТДПУ, Педагогик таълим. 2011.- №1.-С.59-63.
3. Кюльпе О. Психология мышления /Хрестоматия по общей психологии / Под ред. Ю.Б. Гиппенрейтер, В.В. Петухова. -М.: Изд-во МГУ, 1981. – С. 21-28.
4. Бережнова .В., Краевский В.В. Основы учебно-исследовательской деятельности студентов.-М.Наука,2014.-128с
5. Мерлина Н.И. О математическом творчестве одаренных детей// Математика. Образование: Материалы международной конференции, Чебоксары. 2009.-С.223-224.
6. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-429 б.
7. Давыдов В.В., Варданян А.Ц. Учебная деятельность и моделирование. -Ереван: Луйс, 1981. – 220 с.
8. Капица П.Л. Эксперимент, теория, практика. Серия: "Наука, мировоззрение, жизнь". Москва, Наука, 1987.



УДК: 163.4(362.2)

*Абдураим УЛҒОВ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази бўлим бошлиғи*

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси Гуманитар фанлар кафедраси с.ф.н., доцент Маматқобилов
Т.Д. тақризи асосида*

БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ АБУ ҲАНИФА ҚАРАШЛАРИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Аннотация

Мазкур мақолада бағрикенглик маданияти ва уни Абу Ҳанифа қарашларида намоён бўлиши илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада бағрикенглик маданияти бугунги кунда нафақат миллий балки умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Бағрикенглик -ижтимоий-маданий ҳодиса бўлиб, у ижтимоий-сиёсий муносабатларни тартибга солиш орқали ўзга фикр ва эътиқодидан қатъи назар, ҳурмат қилиш, ахлоқ қоидалари ва меъёрларини бузадиган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиш борасидаги фикрлар ёритилган.

Калит сўзлар: Тарих, дин, миллат, маданият, қадрият, эътиқод, давлат, фалсафа, ахлоқ, бағрикенглик, Абу Ҳанифа.

КУЛЬТУРА ПРОЩЕНИЯ И ЕГО ОТРАЖЕНИЕ В ВЗГЛЯДАХ АБУ ХАНИФЫ

Резюме

В данной статье проводится научный анализ культуры толерантности и ее проявления во взглядах Абу Ханифы. В статье также отмечается, что культура толерантности сегодня становится неотъемлемой частью не только национальной, но и общечеловеческой культуры. Толерантность - это социокультурный феномен, отражающий идею уважения, воздержания от любых действий, нарушающих правила и нормы морали, независимо от других мнений и убеждений, посредством регулирования социально-политических отношений.

Ключевые слова: История, религия, нация, культура, ценности, верования, государство, философия, этика, толерантность, Абу Ханифа.

THE CULTURE OF FORGIVENESS AND ITS REFLECTION IN THE VIEWS OF ABU KHANIFA

Resume

This article provides a scientific analysis of the culture of tolerance and its manifestation in the views of Abu Hanifa. The article also notes that the culture of tolerance today is becoming an integral part of not only national, but also universal culture. Tolerance is a sociocultural phenomenon that reflects the idea of respect, refraining from any actions that violate the rules and norms of morality, regardless of other opinions and beliefs, through the regulation of socio-political relations.

Key words: History, religion, nation, culture, values, beliefs, state, philosophy, ethics, tolerance, Abu Hanifa.

Кириш. Ҳозирги даврда глобаллашувнинг таъсирида кудратли давлатларнинг геосиёсий манфаатларини тўқнашуви ва инсониятга қарши экстремизм ва терроризм ҳаракатлар тобора ортиб бормоқда. Бундай мураккаб глобал ўзгаришлар туфайли “Ижтимоий ҳаётимизда кўплаб ижобий жараёнлар билан бирга, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар ҳам тобора хавфли тус олмақда”. [1]. Айни шу маънода, бағрикенглик маданияти нафақат миллий балки умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Бизга маълумки бағрикенглик -ижтимоий-маданий ҳодиса бўлиб, у ижтимоий-сиёсий муносабатларни тартибга солишда инсоният тарихида алоҳида ўрин тутди.

Бағрикенглик маданияти эса ўзга фикр ва эътиқоднинг табиатидан қатъи назар, ҳурмат қилиш, ахлоқ қоидалари ва меъёрларини бузадиган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилишдир. Бошқача қилиб айтганда, бағрикенглик-ҳар хил дин ва қарашларга эга бўлган шахслар билан ижтимоий-сиёсий муҳитда ўзаро ҳамжиҳатликда яшаш, бошқаларни таъқиб қилишдан сакланиш, шу билан бирга уларнинг эътиқоди ва маданиятини ҳурмат қилиш демакдир.

Бағрикенглик тарих давомида турли халқлар ва динларнинг биргаликдаги ҳаётини таъминлаган ва умумбашарий қадрият сифатида узоқ тарихга эга бўлган энг муҳим тамойилдир. Шу маънода бағрикенглик маданий, диний ва сиёсий муносабатлар тизимидаги ахлоқий қадрият десак янглишмаган бўламиз. Шунинг учун бағрикенглик маданияти сиёсий масалаларни ҳал

қилишда алоҳида ўрин тутди. Таъкидлаш жоизки, бағрикенглик, умуминсоний маданиятнинг бир қисми бўлишига қарамай, тарихан асосан шаҳар, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг қадимий анъаналари устувор бўлган маданиятга хосдир.

Шу нуқтаи назардан, бағрикенглик Ўрта Осиё халқлари маданиятида алоҳида ўрин тутди, улар тарихан сайёрамизнинг кўчманчи, деҳқон, ҳунарманд ва маданият вакилларида иборат бўлган. Қадим замонлардан буён уларнинг маданиятининг фалсафий ва ахлоқий табиати бағрикенгликни ушбу маданиятнинг асосий ғояси сифатида шаклланди. Шунинг таъкидлаш керакки, турли халқ, миллат ва элатларнинг турмуш тарзи ва тафаккури, шу асосда ҳам ўтроқ, шаҳар, деҳқончилик ва ҳунарманд халқларнинг маданияти кўчманчи халқларнинг турмуш тарзи ва тафаккури ва маданиятидан тубдан фарқ қилади. Кўчманчи халқ деҳқон ва ҳунармандлардан ўзининг жанговар фазилатлари билан ажралиб турарди.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Араб олими Ибн Халдун “Ал-Муқаддима” рисоласида кўчманчиларнинг бу психологик ва ахлоқий хусусиятини моҳирлик билан тилга олади. Ибн Халдун жохил арабларнинг жанговар қобилятини шу ижтимоий ҳаёт тарзидаги маънавий-ахлоқий фазилати сифатида баҳолайди. “Ёввойи халқлар бошқаларга қараганда кўпроқ ҳокимиятни эгаллаш имкониятига эга. Билинги, чунки кўчманчи ҳаёт жасорат сабабидир, ... Чунки улар бошқаларга қараганда ғалаба ва зулмга қодир” [2].